Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 7 февраль, чоршанба • № 11 (10.786) • Эркин нархда сотилади

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ЙЎЛИ

ДАВОС, 5 февраль (ЎзА махсус мухбири). Бу ерда ўтаётган жаҳон иқтисодий анжумани тадбирларини кенг ёритаётган Швейцария оммавий ахборот воситалари бу тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Президент Ислом Каримов бошчилигидаги делегацияси фаол иштирок этаётганини қайд этмоқда. Ўзбекистон анъанавий Давос учрашувида бешинчи марта қатнашмоқда.

Бу учрашувга дунёнинг барча томонларидан давлат ва ҳукумат бошлиқлари, таниқли иқтисодчилар ва мутахассислар, савдо-саноат ва молия доираларининг намояндалари, журналистлар келган. Шарҳловчилар бу гал ҳам анжуманда кўплаб давлатлар вакиллари иштирок этаётганини, мазкур анжуманнинг жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлашмоқда.

Анжуманда бошланган мунозараларда жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон бозорининг ҳозирги ҳолати ва тараққиёти истиқболлари билан боғлиқ муҳим масалалар, давлатлар иқтисодий тараққиётининг ана шу йўлда дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этишга доир муаммолари муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг аъзолари «Жаҳон ақл-заковат ҳаракати» деб аталган бевосита баҳсларда иштирок этишди.

Президент Ислом Каримов Давосга келган дастлабки кундаёқ, ташрифнинг тиғиз дастурига мувофиқ, хорижий мамлакатларнинг анжуманга келган давлат ва жамоат арбоблари, йирик компаниялар ва банкларнинг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

«Ўзбекистон Республикасида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дадил қадамлар билан олга бораётгани аввало мамлакатингиз жаҳон иқтисодиёти билан муваффақиятли интеграция йўлида катта имкониятларга эгалигидан далолат беради», — деди мухбиримиз билан суҳбатда Европа Ҳамжамияти комиссиясининг комиссари жаноб Ханс Ван Ден Брук.

Давос учрашуви иштирокчиларининг диққат-эътибори Ўзбекистоннинг ислоҳотлар йўлидан олга томон қилаётган ҳаракатининг матбуотда ҳам алоҳида қайд этилган қиёсий таҳлилига қаратилди. Масалан, ўтган йили хорижий компаниялар ва халқаро банклар республикада амалга оширилаётган йирик қўшма лойиҳаларда, шу жумладан нефть-газ, автомобилсозлик, кон-қазилма саноати соҳаларида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этишга алоҳида қизиқиш билан қараётганини кўрсатди, дейишмоқда мутахассислар. Таниқли иқтисодчилар бу қизиқишни Президент Ислом Каримов ўтказаётган хорижий мамлакатлар савдо-саноат ва молия доиралари билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш сиёсатига мувофиқ келади, деб ҳисоблашмоқда. Айни шу сиёсат туфайли улар Ўзбекистоннинг улкан ресурслари имкониятларига, сармоядорларга берилаётган давлат кафолатларига алоҳида қизиқиш билан қарамоқдалар, дейишмоқда кўп шарҳловчилар.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримовнинг журналистлар билан учрашувига анжуман матбуот марказида рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари вакилларигина эмас, анжуман иштирокчиларининг ҳам зўр қизиқиш билан қарагани тушунарлидир. Ўзбекистон раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга интилаётганини алоҳида таъкидлади.

ФУТБОЛ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Тошкент вилояти ҳокимининг вилоятда футболни янада ривожлантириш ва оммавийлаштиришга қаратилган махсус қарори қабул қилинди.

Унда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар қамраб олинган.

Шуни айтиш керакки, бундан буён вилоятнинг «Политотдел» футбол жамоаси «Дўстлик» деб аталади. Вилоят футбол федерациясининг бу таклифи маъқулланди.

Шунингдек, қарорда вилоятнинг ана шу марказий ўйингоҳини таъмирлаш, уни замон талаблари даражасида бўлишига эришиш учун вилоятнинг тегишли бўлим ва бошқармаларига аниқ вазифалар юкланди. 1996-1997 йилларда, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни ривожлантириш, «Дўстлик» футбол жамоасини малакали ўйинчилар билан таъминлаш мақсадида шу клуб қошида ёшлар мактабини очиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Фақат бугина эмас, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида футболни оммалаштириш, уни янада ривожлантириш, ўйингоҳларни таъмирлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Лўнда қилиб айтганда вилоят ҳокимининг 15 банддан иборат бу қарорида вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини бажариш, асосийси футболни янада ривожлантиришга қаратилган жуда катта тадбирлар ўз ифодасини топган.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлиги қошидаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини, комиссия раиси Л. Тернових олиб борди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғининг муовини Ю. Березконинг автомототранспортларда рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ўтган йилги қилинган ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Вилоят давлат автомобиль назорати ходимлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари, автобирлашмалар, концернлар, йўл ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати иштирокчилари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ташкилий тадбирларни амалга оширганликлари қайд қилинди. Натижада вилоятда кейинги йиллар мобайнида йўл-транспорт ҳодисалари маълум даражада камайиб борган ва ўтган йилдагига қараганда улар сони 7,9 фоизга пасайган. Ҳодисалар туфайли ҳалок бўлганлар, жароҳат олганлар сони ва болалар жароҳатланиши ҳоллари ҳам камайди.

Шунга қарамасдан, умумий йўл-транспорт ҳодисалари ва болалар жароҳатланиши вилоят бўйича пасайгани ҳолда айрим шаҳар ва туманларда авария ҳолатлари кўпайди. Оҳангарон, Янгийўл шаҳарлари, Бўка, Бўстонлиқ, Қибрай ва Паркент туманлари шулар жумласидандир.

Йўл-транспорт ҳодисаларига асосан машинани маст ҳолда бошқариш, тезликни ошириш, қувиб ўтиш қоидаларига ҳамда чорраҳалардан ўтиш навбатига риоя қилмаслик сабаб бўлмоқда. «Тошвилюктранс», «Тошвилйўловчитранс» концернларида, шунингдек, «Тошвилагросаноат» уюшмасида транспорт воситаларини сақлашда ва улардан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бир қатор шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қошидаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари талаб даражасида ишламаяптилар.

Йиғилишда Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Бўка ва Паркент туманлари ҳокимликлари қошидаги йўл ҳаракати ва хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Комиссиянинг 1996 йил учун иш режалари тасдиқланди.

ЯПОНИЯДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ангрен шаҳри ўзининг 50 йиллик тўйига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Жумладан, бу ерда маданий-маърифий ишларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шаҳарнинг узоқ ўтмиши ҳамда ярим асрлик тарихини ифодаловчи китоб ва бошқа турли рисолалар нашрга тайёрланмоқда.

Яқинда виқорли тоғларга туташ шаҳар қиёфасини ўзида акс эттирган йил тақвими кўп минг нусхада Японияда чоп этилди. Бу хайрли ишга ангренлик ва япониялик тадбиркорлар бош-қош бўлдилар.

ШИФЕР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЯДИ

Давлат мулкининг жамоа мулкига айлантирилиши ўзининг натижасини бера бошлади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ортди. Маҳсулот таннархини белгилашда барқарорликка эришилмоқда.

ОҲАНГАРОН. Шифер заводининг бирлашмадан ажралиб мустақил корхона сифатида иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти янги йилнинг дастлабки ойида шу йилнинг биринчи чораги учун белгиланган шифер ишлаб чиқариш режасини 56 фоизга адо этди. Бу бир ойлик режадан 39 фоиз кўп демакдир.

ҲАМКОРЛИКДА ҚУРИЛАДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА жанубий Корея билан ҳамкорликда бунёд этилаётган муассасалар сони яна биттага кўпаядиган бўлди.

Корея республикасининг халқаро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар биргаликда Юқоричирчиқ туманининг «Политотдел» жамоа хўжалиги ҳудудида «Дўстлик клиникаси»ни бунёд этишга аҳдлашиб олдилар. Шу муносабат билан Кореянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги вакиллари ўртасида келишув баённомаси имзоланди.

Баённомада қабул қилинишича, қад кўтарадиган муҳташам сиҳатгоҳ 2,5 гектар майдонни эгаллайди. Уни аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий талабларига мос тарзда қуриш учун барча омиллар ҳисобга олинди. Бино қурилишига Корея 300 минг АҚШ доллари ажратади. Такомиллашган шифохонага тиббий ускуналар, аппаратлар, дори-дармонлар ҳам ана шу мамлакатдан келтирилади.

Республикамиз аҳолисига ва юртимизда истиқомат қилаётган хорижий мамлакатлар фуқароларига тиббий хизмат кўрсатишни кўзда тутган бу саломатлик масканининг лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН металлургия комбинати ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида кенг кўламда цехлар қувватларини ошириш бўйича реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА: комбинат қувватини ошириш ишларида яқиндан кўмаклашаётган Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» ишчилари Геннадий Самодуров ва Виктор Прогудин: (ўнгда) пайвандчи Зухриддин Алайдинов иш устида.

Л. ГУСЕЙНОВ олган суратлар.

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ ВА ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ ШАРТ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов интизомига риоя қилиш учун жавобгарлигини ошириш, ўзаро қарзларни қисқартиришни таъминлаш бош вазифа қилиб қўйилди.

Жумладан, Фармонда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзсаноаткурилишбанк», «Ғалла-банк», «Пахта-банк», «Мевасабзавотбанк» ва бошқа тижорат банклари корхоналар ва ташкилотлар томонидан кафолатланган тўловларсиз маҳсулот етказиб берилишига йўл қўймаган ҳолда, уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Биз Ўзбекистон Республикаси Тошкентда ихтисослаштирилган акционерлик тижорат пахта-банкининг қисқа муддатли кредитлар бўлими бошлиғи Қудрат Абдуллаев билан ушбу фармоннинг моҳияти ва унинг жойларда қай тарзда ижро этилаётгани тўғрисида суҳбатлашдик.

— Кейинги вақтларда талаб ва таклифлар жадал ўсиб бориши натижасида, — дейди бўлим бошлиғи, — корхона ва ташкилотлар, яъни дебиторлар кредиторлар ўртасида тузилган шартномалар ўз вақтида амалга оширилмай қолиб, турли муаммоларни вужудга келтирмоқда. Республикамиз Президентининг мазкур фармони айнан ана шу муаммоларни тезроқ бартараф этиш, ҳар икки томоннинг ўзаро ҳисоб-китобларини тўғри йўлга қўйишга хизмат қилади.

Банкимиз асосан қишлоқ хўжаликлари билан иш олиб боради. Шунинг учун бу фармон биз учун, айниқса, катта аҳамиятга эга.

— Фармонда истеъмолчиларга маҳсулот ҳажмининг камида 15 фоизига олдиндан ҳақ тўлаш, контракт-шартномалар асосида ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Очиғини айтиш керак, бугунги кунда айнан шартномаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги натижасида кўпгина муаммолар юзага келмоқда...

— Жуда тўғри айтдингиз, юқоридаги фармон ана шу муаммоларнинг олдини олиш, ечимини топишда ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Агар ўзаро ҳисоб-китоблар белгиланган муддатда амалга оширилса, ҳар икки томоннинг манфаатлари ўз вақтида қониқтирилса эртанги иши, режаси учун замин ҳозирланган бўлади. Ўзаро тузиладиган шартномалар бўйича ишлаш дунё тажрибасида синалган. Колаверса, бу бозорнинг қонунидир.

Бизда эса кўпгина хўжалик раҳбарлари дебиторлар билан шартномалар эскича услубда, яъни ҳеч бир қатъий шартлар қўймаган ҳолда туэмоқдалар. Ҳамма шарт ва талаблар қоғозларга шунчалик ёзилиб, унутилиб кетмоқда. Масъулият, бир ишнинг охирига етказиш каби фидойилик эса жуда кам. Энди бундай ишлаб бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда тузилаётган шартномаларга бир назар ташлайлик. Унда дебитор ва кредитор ўртасида бажарилажак ишнинг аниқ муддати, агар муддатида бажарилмаса, фоизлар ҳисобида пенялари, улар ҳам наф бермаса яна бошқа бир мақбул шартлар ҳам қўйилади. Айни чоғда дебиторлар ҳам ўз навбатида кредитордан олинажак маҳсулотларни экспертизадан ўтказиб, сертификати, зарур ҳужжатларини қўлга киритган ҳолда маҳсулотни шартномада қайд этилган ҳолатда кўрсатилган вақтда қабул қилиб олишлари лозим. Агар маҳсулот шартномада кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, ундай ҳолда маҳсулотни харид қилишдан бош тортишлари ҳам мумкин. Мана, шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда вақт — олтиндан қиммат. Тезда бажарилган ишдан фақат фойда олинади, сустлашган оро йўлда қолиб кетади.

Тўғри, бизда ҳам ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган усуллардан фойдаланиш, уни ҳаётга татбиқ этиш устида ишлаётган илғор жамоа хўжаликлари бор. Афсуски, ҳали улар кам. Кўп ҳолларда бир жамоа хўжалигининг тузган шартномаси ўз вақтида амалга оширилмай, яъни дебитор келишилган вақтда жамоа хўжалигидан олган маҳсулотига пул тўламаса, тўлаш вақти чўзилиб кетса, табиийки, жойига тушмаган пул ҳисобига жамоа хўжалиги ҳам зиммасидаги сарф-харажатларини тўлай олмайди, ҳатто деҳқонларга маош тўлаш қобилиятига эга бўлолмай қолади. Ўртада норозилик туғилади. Асосан шартномаларга эътиборсизлик, масъулиятсизлик билан қараётган жамоа хўжаликларида бундай ҳолни кузатиш мумкин. Ҳозир биздаги биринчи вазифа ана шу масалаларни тартибга солиш, қонун асосида амалга ошириш ва ҳаммани бозор шароитида ишлашга тезроқ ўргатишдан иборатдир. Ўйлаймизки, Президентимиз фармони бу каби муаммоларни бартараф этилишини тезлаштиради, ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиради.

Банкимиз бўлимлари фармон ижросини назорат қилишга киришдилар. Кредиторлар ҳамда дебиторлар қарзларини камайтириш мақсадида ўзаро молиявий, ҳисобот кунлари ўтказилмоқда. Бунда жамоа хўжаликлари — кредиторлар, сотиб олувчилар — дебиторларнинг раҳбарлари бош ҳисобчи ва бош иқтисодчилари иштирокида мавжуд бўлган муаммони биргаликда кўриб чиқиб, зарур чора ва тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Негаки, ҳеч бир маблағ оқибатсиз қолиб кетмаслиги керак.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида»ги қарорида «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси хўжаликларга харид нархларининг камида 25 фоизи миқдорида аванс тўласин» деб қайд этилган? Бу борада нималар дея оласиз?

— Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида давлат буюртмаси ғалланинг 50 фоизи, пахтанинг 60 фоизи миқдорида белгиланиб, қолган ҳосилнинг хўжаликлар тасарруфида қолдирилиши аниқ қилиб қўйилди. Демак, келгуси ишлар учун катта имкониятлар яратилмоқда.

Буюртмадан ортиқча ҳосилни сотиш борасида ҳам ҳозирдан бошлаб контракт — шартномалар тузилмоқда. Муҳими, бу шартномалар кўпроқ деҳқоннинг манфаатларини кўзда тутган. Жамоа хўжаликларига «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси тизимларидан камида 25 — 30 фоиздан пахта учун аванс пуллари тўланмоқда. Ўйлаймизки, бу — ўз вақтида тўланган аванс жамоа хўжаликларининг техник хизматлари, ёнилғи-мойлаш, эҳтиёт қисм, уруғлик ва муҳими, деҳқонлар учун маош сифатида тарқатилиб, катта мадад бўлади. Бу фармондан тўғри хулоса чиқарган хўжалик раҳбарлари бундан буён харидорлар билан тузилган шартномаларига алоҳида эътибор берадилар, уларнинг талаблари асосида сифатли маҳсулот яратишни бош масалаларига айлантирадилар.

Зоир ТУРСУНОВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ТЕШИК ДАСТУРХОН»

ГАЗЕТАНИНГ ўтган йил 13 декабрь сонида босилган «Тешик дастурхон» сарлавҳали танқидий мақолада Оҳангарон туманидаги деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятида рўй бераётган жиддий камчиликлар танқид қилинган эди. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда бир қатор деҳқон-фермер хўжаликлари ишида ютуқларга эришилган бўлса ҳам айримларида эса, аксинча, жиддий нуқсонлар содир бўлди. «Тешик дастурхон» сарлавҳали мақолада ана шундай деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятидаги камчиликлар жуда тўғри очиб берилган. Ушбу мақола Оҳангарон туманидаги деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда кичик корхоналар раҳбарларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, айтилган барча камчиликлар асосан тўғри деб топилди.

Мақола босилганидан кейин «Жондор» деҳқон-фермер хўжалигининг раҳбари Исроил Болғонбоев ўз хўжалигида рўй берган камчиликларни тузатишга киришди. Жумладан, қарзларни ундириб, туман ихтисослашган «Тадбиркорбанк»даги ўз ҳисоб рақамига маблағ туширди. Кеч бўлишига қарамай тасарруфидаги майдонларга ғалла уруғи сепди.

Бироқ мақолада тўғри кўрсатилганидек, ўтган йили «Жондор» деҳқон-фермер хўжалигининг ҳар гектар ердан олган ҳосили қиймати минг сўмдан ошмади. Исроил Болғонбоев бу нуқсонларни ҳам тузатиш чораларини кўрмоқда. Баҳорги экишга пухта тайёргарлик ана шулар жумласидандир.

Аммо «Иззат» деҳқон-фермер хўжалигидаги аҳвол ҳали ўзгарганича йўқ. Унинг раҳбари А. Тиловов ўзи сотиб олган техникани қаровсиз қўйгани сабабли уларнинг кўпчилик қисми яроқсиз ҳолга келиб қолган. Сотиб олинган чорва моллари эса ой сайин камайиб боряпти. Ҳозир фермер тасарруфида атиги 5-6 тагина туёқ қолган холос. Шу кунгача унинг туман «Тадбиркорбанк»дан 104 минг сўмдан кўпроқ қарзи бўла туриб, ҳали бирор сўмни ҳам тўлагани йўқ. Туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бир неча марта огоҳлантиришига қарамай А. Тиловов юқори ташкилотлар олдида ҳисоб беришдан бош тортиб, ўзини олиб қочиб юрибди.

Оҳангарон туман ҳокимининг 1996 йил 19 январдаги 16-сонли қарори билан самарасиз ишлаётган деҳқон-фермер хўжаликларидан шу жумладан, А. Тилововдан ҳам берилган ерларни ширкат хўжаликлари ихтиёрига олиб беришга қарор қилинди. Айни пайтда ердан унумли фойдаланмаган «Олмалиқ» деҳқон-фермер хўжалигининг раҳбари Анвар Шодиевдан 9 гектар, «Соҳибкор» деҳқон-фермер хўжалигининг раҳбари Абдумалик Жумақуловдан 10 гектар, «Гулчеҳра» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Аваз Турсунқуловдан 20 гектар, шунингдек Тўрабек Раимқулов, Эсангали Анорбоев ва Ёқуб Мирзақулов каби деҳқон-фермерлардан ҳам 30-31 гектардан ер майдонлари қайтариб олинадиган бўлди.

Абдуғаффор Тиловов бошчилик қилаётган «Иззат» деҳқон-фермер хўжалигидаги 8 гектар ер ўтган йили кузда ҳам экилмай қолиб кетганлигини эътиборга олиб, ушбу майдонларни «Ғаллақудуқ» давлат хўжалиги ихтиёрига қайтариб беришга қарор қилинди.

Т. СОҲИБОВ,
Оҳангарон туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси.

Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди

БИР ТУМАНДА ИККИ ҲИЛ АҲВОЛ

ёки Қуйичирчиқ туманида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида рўй бераётган баъзи камчиликлар ҳақида

1996-1997 йиллар вилоятда қишлоқ йили, яъни қишлоқларни ривожлантириш йили деб белгиланди. Бу — қишлоқларда турмуш маданиятини ошириш, аҳолини иқтисодий жиҳатдан бақувват қилиш, деҳқончилик, чорвачилик маданиятини кўтаришгина эмас, шу билан бирга кишиларни тирикчиликнинг асосий манбаи — доимий иш билан таъминлаш ҳам деганидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлиси тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ана шу муҳим масалага ҳам асосий эътибор қаратилди, уни ҳамма жойда изчиллик билан ҳал этиш зарур бўлган энг долзарб вазифалардан бири қилиб қўйилди. Хўш, вилоятимиздаги Қуйичирчиқ туманида бу масала қандай ҳал этиляпти?

Солдатск шаҳридаги нон комбинати директори Убайдулла Абдураҳмонов ҳокимликка келиб, яхши бир таклифни ўртага ташлади:

— Туман бош пиллахонасининг бинолари кўпдан бери бўш турибди, — деди у. — Шу ерда бир неча цех очишга рухсат беринглар.

Пиллахона муаммоси туман раҳбарларини ҳам кўпдан бери ўйлатиб келарди. Убайдулланинг таклифи айни муддао бўлди. Ҳокимлик вакиллари мутахассислар билан комбинат раҳбари олиб келган барча ҳужжатларни биргалашиб кўриб чиқишди.

— Асосан мева консервалари цехи билан тегирмонни ҳам шу ерга жойлаштирмоқчимиз, — деди У.Абдураҳмонов. — Консерва цехининг ускуналари келтирилган. Мўъжазгина тегирмон ҳам сотиб олмоқчимиз. Ҳар куни бу ерда 600 килограмм буғдойни тортиб, ун қилишимиз мумкин. Консерва цехи эса кунига 2-2,5 минг банка мева ва сабзавотларни қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Хуллас, шу куни Убайдулла Абдураҳмонов туман раҳбарларининг розилигини олди. Кўп ўтмай бош пиллахонанинг асосий биносига консерва цехининг ускуналари ўрнатилди, ёнидаги хонага эса Хитойдан олиб келинган мўъжазгина тегирмон билан бирга макарон ишлаб чиқарадиган машина ҳам ўрнатилди. «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари уюшмасидан 15 тонна буғдой, тумандаги хўжаликлар билан шартнома тузиб мева ва сабзавотлар олина бошланди. Ҳар иккала цехда ишлаш учун 16 киши қабул қилинди. Ишнинг бориши эса ёмон эмас. Фойда бўлаётгани сабабли нон комбинати маъмурияти яна битта тегирмон сотиб олиб, уни ҳам ўрнатишга киришди.

— Агар жами 35 тонна макарон ишлаб чиқарсак ва 140 тонна буғдойни тортиб ун қилсак, ҳар иккала тегирмон ва макарон тайёрлаш ускунаси ҳам бизга текинга қолади, — дейди Убайдулла Абдураҳмонов.

— Туманда ишнинг кўзини биладиган бундай тажрибали тадбиркорлар кўп, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Х.Саидов. — Ана шу сабабли ҳам ҳокимлик ўтган йили туман маркази ва қишлоқларда 79 та кичик корхоналар очиш ҳамда 830 кишини доимий иш билан таъминлашни мўлжаллаган эди. Яқинда йилни сарҳисоб қилдик. Афсуски, баъзи сабаблар билан белгиланган тадбир тўла бажарилмай қолди. Жойларда 74 та кичик корхоналар ва цехлар очилиб, 516 нафар ишсизларни иш билан таъминлашга эришдик. Уларнинг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Туманда ғаллачилик ривожланиб, асосий экинлардан бирига айлантирилгани сабабли қишлоқларда тегирмонлар қуришни шу куннинг ўзи талаб қилмоқда. Биз бунга эришяпмиз ҳисоби. Ҳар бир қишлоқда ун тегирмонлари қуриб фойдаланишга топширилди. Энди кишилар тегирмон қидириб узоққа қатнаб юрмайдилар. Туман ҳокимлиги шунингдек аҳолининг истак ва хоҳишини эътиборга олиб барча хўжаликларда ёғ-мой цехлари қурилишига ҳам бош қўшяпти. Эндиликда узоқ-яқин қишлоқлар борки, уларнинг барчасида аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган устахоналар, сартарошхона ва тикув цехлари ташкил этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси туман бўйича шу йилнинг биринчи ярмида амалга ошириладиган дастуримизда аниқ-равшан қилиб белгиланган.

Туманда очилаётган янги иш ўринлари борки, уларнинг барчаси тадбиркорларнинг ташаббуси ва иштироки билан амалга оширилаётгани қувончлидир. Мана шулардан бири — Нурилла Хошимов «Ўзбекистон» фермерлар уюшмаси қошида гўштни қайта ишлаш цехини очди, зарур ускуналарни сотиб олиб ўрнатди. У айни пайтда чорва моллари асраш билан ҳам шуғулланади. Ўтган йили 18 тонна гўшт тайёрлаган эди, уни ҳеч қаерга сотмай, колбаса цехида қайта ишлаб, тумандаги дўконларда савдога чиқарди. Тадбиркор бошлаган ҳайрли иш айни пайтда тўрт-беш кишини иш билан таъминлаш имконини ҳам берди. «Тошовул» жамоа хўжалигидаги сутни қайта ишлайдиган цехда эса беш нафар ишчи бир кеча-кундузда икки тоннадан кўпроқ бринза ва творог тайёрлаяпти. «Балиқчи» жамоа хўжалигида ташкил топган дудлаш цехи кунда икки тонна балиқни қайта ишлаб савдога чиқармоқда.

Беруний номли жамоа хўжалигида кунига тўрт тонна буғдойни тортиб ун қиладиган тегирмон ишга туширилган эди. Яқинда тегирмончи Назир Жўраев уни 82,5 минг сўмга сотиб олди.

— Оила аъзоларим билан шу ерда ишлардим, — дейди хусусий мулк эгаси. — Энди ёнимга яна икки кишини ишга олмоқчиман. Сабаби — хўжаликда буғдой кўп етиштириляпти. Тегирмоннинг эса қувватини ошириш мумкин.

Бизга меҳнат биржасида ҳозир туманда 55 минг нафар меҳнат қилишга яроқли кишилар борлигини, улардан фақат 39 минг кишигина хўжаликнинг турли соҳаларида ишлаётганлигини айтишди. 11,7 минг нафар киши турли сабаблар билан ишлаб чиқаришдан четда қолган экан.

— Туманимизда 310 та корхона ва ташкилотлар бор, — дейди меҳнат биржаси раҳбарининг муовини Раҳимберди Эгамбердиев. — Уларнинг баъзиларида иш ўринлари қисқариб бораётгани шундоқ ҳам муаммо бўлиб турган ишсизларни иш билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар туғдиряпти.

Ҳа, туман хўжаликлари, корхона ва ташкилотларида иш ўринлари қисқариб бораётгани сир эмас. Яқин вақтларда 1400 та, шу жумладан қишлоқларда 1200 та иш ўринлари қисқариши таҳмин қилинмоқда. Хўш, туман ҳокимлиги ва шу иш билан шуғулланиш асосий вазифаси бўлган меҳнат биржаси бундай ҳолатга тайёрми?

— Режа бўйича жойларда 1200 та янги иш ўринлари ташкил этилади, — дейди Р.Эгамбердиев. — Иш билан таъминланмаган кишилар биржа ҳисобидан нафақа олиб борадилар. Пенсия ёшига яқинлашиб қолган ишсизлар муддатидан олдин пенсияга чиқариладилар. Булардан ташқари, биржа ҳисобидан жамоат ишлари ҳам ташкил қилинмоқда.

Ўтган йилларда туман хўжаликларида каноп етиштириш қисқартирилганлиги сабабли уни қайта ишлаш корхоналарида ғоят жиддий муаммолар вужудга келди. Иқтисодий аҳвол анча оғирлашди. Хом ашё йўқлиги сабабли Қўрғонча канопни қайта ишлаш заводи шу йилнинг ўзида 47 кишини ишдан бўшатишни мўлжаллаб турипти. Гул каноп заводида ҳам 90 та иш ўрни қисқариши кутилмоқда. Бироқ ҳар иккала корхона раҳбарлари ҳам иш ўринлари қисқартирилишини кўра-била туриб унга олдиндан тайёрланмадилар. Ҳолбуки, Солдатск шаҳридаги канопни қайта ишлаш заводи раҳбари Рустам Одилов қисқа вақт ичида Тошкент тўқимачилик комбинати ва Янгийўл мебель корхонаси билан ҳамкорликда каноп заводи биноларида пахта толасини қайта ишлайдиган ва тўқувчилик цехларини очишга эришди. Қўрғонча ва Гул канопни қайта ишлаш заводлари раҳбарлари (Р.Бўтаев ва З.Эргашев) эса осон йўлдан бориб, иш ўринларини қисқартириш билан кифояланиб қўяқолишмоқчи.

Тадбиркор, эпчил, ҳар қандай ҳолатда ҳам ишлай олиш қобилиятига эга бўлган жойда корхонанинг фаолияти риоладагидек бўлади. Аммо раҳбари олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирган жойда эса корхонанинг боши қарздан чиқмай, пировардида иш ўринларини қисқартиришга, бу ҳам ёрдам бермаган тақдирда ишлаб чиқаришни тўхтатишга олиб келади. «Огонёк» деҳқончилик фирмасида «Навбаҳор» кичик корхонаси бор эди. Ў қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашганди. Бироқ яқинда корхонанинг фаолияти тўхтади. Ишчилар эса ҳозир қаерга боришни билмай қолдилар. Корхона раҳбари Б.Шалхаровнинг айтишича ёғоч ва цемент бўлмагани сабабли ишлаб чиқариш барҳам топганмиш. Беруний номли жамоа хўжалигидаги «Муслима» кичик корхонаси ҳам бир неча ишчиларни ёллаб, қўлқоп, чойшаб тикиш билан шуғулланаётган эди. Икки ой бўлдики, бу корхонанинг ҳам эшиклари бекилди. Солдатск шаҳридаги «Романтика» кичик корхонаси полиэтилен пленкасидан турли хил жиҳозлар ишлаб чиқараётганди. Афсуски, бу цех ҳам баъзи сабаблар билан асосий соҳани тўхтатишга мажбур бўляпти. Ёпилаётган цех ва корхоналардан бўшаб қолаётган ишчилар эса шундоқ ҳам кўп бўлган ишсизлар сафини кенгайтирмоқда. Биз ана шу муаммолар ҳақида ҳоким ўринбосари билан суҳбатлашганимизда у шундай деди:

— Туман раҳбарияти бу муаммоларни изчиллик билан ҳал қилишнинг чораларини излаяпти. Яқинда канопни қайта ишлаш заводларига доир масалаларни кўриб чиқдик. Хўжаликларда бу йил каноп етиштириладиган майдонлар бир минг гектарга етказилади. Хом ашё бўлгач, ўз-ўзидан заводларда иш ўринлари ҳам иложи борича сақлаб қолинади. Қишлоқларда деҳқончилик ва хўжаликнинг бошқа соҳаларидан бўшаб чиқаётган ишсизларни ўқитиш ва уларга янги касб ўргатиш учун ҳам тайёргарлик кўряпмиз.

Хуллас, Қуйичирчиқ туманида кичик корхоналар ташкил этиш ва ишсизларни доимий иш билан таъминлашда ана шундай аҳвол рўй беряпти. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўп, албатта. Бироқ камчиликлар ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, вилоят кенгашининг учинчи сессияси қўйган вазифалар, чунончи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, замонавий техника билан қуролланган, пировардида маҳсулотини чет элга чиқара оладиган корхоналар қуриш ва ишга тушириш вазифаси ҳам бажарилмай қоляпти. Бу эса охир оқибатда кишиларни иш билан таъминлаш, уларнинг моддий аҳволини яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг аввало ана шу ҳақда ўйлаш керак.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?

БУ ЕРДА ФАҚАТ ПАХТА ҚАЙТА ИШЛАНМАЙДИ

Чиноз пахта тозалаш корхонасида хом ашёни қайта ишлаш билан биргаликда қўшимча ишчи ўринлари очиш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилмоқда

ДЕҲҚОН даладаги ҳосилини мисқоллаб йиғиб-териб пахта тозалаш корхоналарига топширади. Таъбир жоиз бўлса, энди пахтакор меҳнатининг тақдири уларнинг қўлида. Хом ашёдан қандай тола чиқади, сифати қандай бўлади... Буёғи ана шу корхоналарнинг ишчи-хизматчиларига боғлиқ.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Илгарилари режани бажариш асосий мезон ҳисобланарди. Пахтанинг кейинги тақдири кўпчиликни қизиқтирмасди. Энди аҳвол ўзгарди. Ишга муносабат бошқача. Аслида шундай бўлиши табиий ҳол. Чунки дунё бозорида ҳам ўлчов ва нарх мезони — тола. Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтаётган экан, бу вазифа бизда ҳам устивор бўлиши шарт. Мана шулар пахта тозаловчилар зиммасида қанчалик масъулиятли вазифа турганлигини кўрсатиб турипти.

Чиноз пахта тозалаш корхонасининг фаолияти бутун туман пахтакорларининг меҳнатини рўёбга чиқарадики, бу янада катта масъулиятдир. Чунки ушбу пахта тозалаш корхонасида тумандаги йил бўйи етиштирилган жами ҳосил қайта ишланади. Бу 19-20 минг тонна пахта деган гапдир.

— Биз буни жуда яхши ҳис этамиз, — дейди корхона раҳбари Эркин Йўлдошев. — Яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши, айниқса, пахта ва ғалла етиштириш борасидаги камчиликлар ва муаммоларнинг ҳал этилиши билан бирга энг муҳим йўналишларнинг белгилаб олинганлиги бизга ҳам тўла тааллуқлидир. Чунки деҳқон сифатли пахта топширса-ю, ундан юқори даражада тола олинмаса, ўз-ўзидан катта даромад йўқотилади. Бу масаланинг бир томони, иккинчидан, ўртада тузилган шартнома ва унинг мажбуриятлари ҳам бор. Шундай экан, ҳом ашёнинг жаҳон бозорида рақобат қила олиши, ундан республикадаги корхоналарда энг сифатли матолар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳар биримизнинг ишимизга, зиммадаги масъулиятни ҳис этишимизга боғлиқдир.

Биз одатда бирон корхонанинг ишлаб чиқариш натижалари тўғрисида гапирганимизда, албатта, рақамларни келтириб ўтамиз. Бир томондан бу ҳам тўғри. Чунки ҳар қандай меҳнатдан, ишнинг тагидан ана шу натижа келиб чиқади. Чинозлик пахта тозаловчилар 1995 йилни ҳамма кўрсаткичлар бўйича яхши якунлашди. Режадаги 5795 тонна ўрнига салкам 6400 тонна тола олинди. 480 тоннага яқин момиқ ишлаб чиқарилди. Бу мўлжалдагидан 40 тонна кўп. Чигит чиқариш топшириғи 900 тонна ортиғи билан адо этилди.

Бу корхонада иш сифатига алоҳида эътибор берилаётганлигини яна бир мисол кўрсатиб турипти. Ўтган йили Чиноздa етиштирилган пахта толаси Швейцария, Олмония, Буюк Британия, Голландия ва Россия сингари ҳорижий давлатларга жўнатилди. Харидорларнинг бирортасидан эътирозномалар келгани йўқ.

Бу ҳам аслида бозор иқтисодиётининг оддий талаби, мезонидир. Шундай ҳам бўлиши шарт. Лекин пахта хом ашёсини қайта ишлашни такомиллаштириш, ундан имкони борича сифатли маҳсулот олиш ҳам бугуннинг асосий шарти. Шунинг учун ҳам биз корхона раҳбаридан бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўрадик.

— Бу биз учун асосий масала, — деди Эркин Йўлдошев. — Бугун сифатли тола учун кураш ва технологияларни такомиллаштиришни даврнинг ўзи таҳаник ҳаракат орқали бу ишни амалга ошириш жорий этилди. Натижалар ёмон эмас. Энг муҳими исрофгарчилик кескин камайди.

Айримлар 0,8 — 0,7 фоиз нима деган гап, дейиши мумкин. Лекин бу рақамни 19-20 минг тонна пахтага бир қиёслаб кўринг-а. Кичкина рақам келиб чиқмаслиги тайин. Бу ерда пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва ишлаб чиқариш цехларидаги ускуналарни янгилаш устида ҳам қатор ишлар амалга оширилаётганлигини айтиб беришди.

Пахтани қайта ишлаш, ундан тола олиш сўзсиз корхонанинг асосий иши. Лекин шароит бугунги кунда ҳар бир жойда тадбиркорликка, ташаббускорликка кенг йўл очилишини талаб этмоқда. Ана шундай тадбиркорлар бу ерда ҳам кўп. Уларнинг саъй-ҳаракати ва корхонанинг кўмагида ҳозирги кунда 4 та кичик цех ва корхоналар ишлаб турипти. 20 киши меҳнат қилаётган тикувчилик цехида хўжаликлар учун этак, қоп ва бошқа истеъмол буюмлари тайёрланаётган бўлса, яна бир цехда катталар ва болалар учун пайпоқ ва колготкалар тўқилмоқда. Келгусида бу цехни кенгайтириш кўзда тутилган. Ана шунда камида 30 одам меҳнат қилади. Ҳадемай туман марказида хитойликлар билан бирга барпо этилаётган ғўзапоядан ДВП ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонанинг маҳсулотларига ҳам талаб катта бўлади, албатта.

Бу борадаги изланишлар давом этяпти. Яқин келажакда корхона қошида ўзларининг ҳом ашёлари, яъни толаларидан калава олинадиган цех ҳам ишга туширилади. Шу тарика корхонада ортиқча ишчи кучлари қўшимча ишларга жалб этилади. Қолаверса, бу кичик корхоналар жамоага талай қўшимча даромад ҳам келтиради.

Хуллас, Чиноз пахта тозалаш корхонасидан бугунги кунда турли ҳорижий давлатларга жўнатилаётган тола тойлари билан бир қаторда ички бозоримизга кенг истеъмол буюмлари ҳам чиқаётганлигини кўрсангиз ажабланманг. Бу — ислоҳот самараси, қишлоқдаги ўзгаришлар мевасидир.

Фазлиддин ФАТТОҲОВ.

Суратларда: корхонанинг пайпоқ цехи тўқувчиси Муҳайё Муллабоева ва уста Кундуз Нурматова; (ўнгда) тикув цехи илғорларидан ҳисобланган Кундуз Мавлонова (олдинда) иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАР ВА ШАҲАРЛИКЛАР»

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси кўмагида «Замонавий шаҳарлар ва шаҳарликлар» мавзуида тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ўтказди. Унда мамлакатимизда ижод қилаётган йигирмадан кўпроқ рассомнинг қирққа яқин асари намойиш этилди. Бу асарларда республикамиз турли шаҳарлари аҳолисининг турмуши, бетакрор тарихий ва меъморий обидалар, янги қурилишлардаги бунёдкорлик ишлари акс эттирилган.

Кўргазмада дастлабки уч ўринни эгаллаган мусаввирлар — А. Нуриддинов, А. Жамолов, В. Бурмакин шу йил июнь ойида БМТ томонидан шаҳар ва шаҳарликлар мавзуида ўтказиладиган «Хабитат-П» халқаро анжуманида очиладиган бадиий кўргазмада қатнашиш ҳуқуқига мушарраф бўлди. Анжуманда 107 давлат қатнашади.

Кўргазма очилиши маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари Рустам Юнусов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдўғон Айтун иштирок этди.

(ЎзА).

ОРЗУИНГИЗНИ «ОРЗУ» ДАН ТОПАСИЗ...

Кейинги пайтларда Бўстонлиқ туманида тадбиркорлик ишлари бир мунча олдинга силжиб қолди. Бу ерда аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз фарзандлари билан қишлоқдаги кичик тегирмонни созлаб ишга туширган ва бу билан аҳолининг оғирини анча енгил қилиб берган ишбилармон отахон Ф.Асқаров яқинда қурилиши тугалланмай қолган икки қаватли бинони ҳусусийлаштириб олганди. Катта таъмирлаш ишлари олиб борилиши натижасида мазкур бино аҳолига намунали хизмат кўрсатадиган дўконга айлантирилди. «Орзу» деб номланган бу шинам дўкон куни кеча ишга тушди. «Орзу»да аҳолининг кундалик турмуш эҳтиёжлари учун зарур бўлган барча нарсалар, озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, саноат молларигача бари пештахталардан жой олган. Дўконда, шунингдек, радио, телевизорлар, магнитофонлар тузатиш, пойабзал таъмирлаш устахонаси каби маиший хизмат турлари ҳам мавжуд. Ҳадемай, сартарошхона очишни ҳам мўлжаллаб туришибди.

(Ўз [illegible] биримиздан).

МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

«ОЛТИН ГЛОБУС» СОВРИНДОРИ БЎЛДИ

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси Америкада таъсис этилган «Олтин глобус» халқаро совринини қўлга киритди.

Бу соврин мамлакатимиз иқтисодий қудратига салмоқли улуш қўшаётган корхонанинг жаҳон бозорида рақобатлашиш қувватига эга эканига берилган юксак баҳодир. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам жаҳонда ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА — ҚИРҒИЗИСТОН МУКОФОТЛАРИ

Қирғизистон Президенти А.Акаев фармонига биноан бир гуруҳ ўзбекистонлик жамоатчилик, фан ва маданият, саънат вакиллари қўшни республиканинг юксак унвон ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Жумладан, «Ялла» ансамбли раҳбари, таниқли хонанда Фарруҳ Зокировга «Қирғизистон халқ артисти» унвони берилди.

Ҳамюртларимиз икки қардош халқ дўстлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари, шунингдек, «Манас» достонининг 1000 йиллик юбилейи тадбирларида фаол иштирок этгани учун ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

1996 йил — Амир Темур йили

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Навоий вилоятидаги ўқитувчилар тайёрлаш институтида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинар қатнашчилари буюк соҳибқиронинг Марказий Осиё ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни ҳақидаги маърузаларни тинглади.

ҚИШЛОҚДА БАХМАЛ ТЎҚИЛАДИ

Хазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигидаги бахмал тўқиш корхонасида Фарғонадан келтирилган тўқув дастгоҳлари ўрнатила бошланди.

Қишлоқ тадбиркорлари «Хазорасп» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда барпо этаётган мазкур корхонада бир юз йигирма нафар киши иш билан таъминланади.

МИЖОЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

«Пахтабанк»нинг Фарғона вилоят бўлимида яна бир қулайлик яратилди. Замонавий компьютерлар мижозларга хизмат кўрсатади. Электрон почта алоқаси харидор билан сотувчи ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини бир зумда аниқ бажаради. Бу эса банк тизими фаолиятида учраб турадиган чалкашликларга барҳам беради.

Айни вақтда «Пахтабанк»нинг шаҳар ва туман бўлимларида ҳам электрон почта алоқа хизматлари йўлга қўйилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, компьютерлар ҳукумат қарори билан солиқ тўлашда яратилган имтиёзлар туфайли олинган даромад ҳисобига харид қилинди. Маблағнинг бир қисми банк ходимларини ўқитиш, жойларда пул алмаштириш шохобчаларини ташкил этиш ишларига сарфланмоқда.

УН ИСРОФ БЎЛМАЙДИ

«Фарғонадон» акционерлик уюшмаси фирма дўконларига тайёр маҳсулотни қопда эмас, балки 3 килограммли қоғоз халтачаларда чиқара бошлади.

Бунинг учун махсус дастгоҳлар ўрнатилди. Ҳозирдаёқ 160 тоннадан зиёд кадоқланган ун жўнатилди. Бу усул маҳсулот исроф бўлиши ва унинг четга олиб чиқиб кетилиши олдини олади. Қолаверса, ҳар ким эҳтиёжига яраша ун харид қилади.

МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

Рамазон сабоқлари

РЎЗА ВА ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР

ТАНГРИ Таолога чексиз ҳамду санолар бўлсинким, Парвардигори оламнинг Расули — пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалоту васалламнинг умматларига шу кеча-кундузда нурафшон рамазон ойининг саодатли онлари мушарраф бўлиб турибдур. Бунга шукроналар айтмоғимиз лозим. Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган бир вақтда муборак рамазон ойининг кириб келиши ҳамда унинг ҳар бир муслим ва муслиманинг қалбидан мустаҳкам жой эгаллаши истиқлолий жараённинг анъанавий ва азалий қадриятларимиз билан боғланиб бораётганидан далолатдир.

Биз миллий истиқлол мафкурасини яратиш учун бел боғлаган эканмиз, дарҳақиқат, диний меросимизни ҳам чуқур билмоғимиз керак.

Бугунги суҳбатимиз Рўза ва Лайлат ул-Қадр масалаларига бағишланади. Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида муқаддас китобларимизга, тарихий адабиётларимизга мурожаат қилдик ва керакли ўринларда улардан батафсилроқ фойдаландик.

Ислом динимиздаги фарз бўлгон бешта улуғ ибодатларнинг бири — рамазон ойинда ҳар куни рўза тутмакдир. Ул вақтда субҳдан то қуёш ботгунга қадар оғизни ёпишга ният қилиб, ейиш, ичиш ва ножўя ишлардан сақланилур. Булар Рўзанинг фарзлари эрур.

Узрли сабабларга кўра тутилмаган ҳар бир куннинг рўзаси учун бир мискинга садақаи фитр миқдорича фидя бериладур. Кейинроқ албатта қарз бўлган рўзаларни тутиш лозимдир.

РЎЗАНИНГ ФАРЗ БЎЛИШИ

ШАЪБОН ойинда тангри Таоло томонидан ваҳий келиб, мусулмонларга ҳар йили бир ой рамазон-рўза тутмак фарз қилинди. Бундан илгари пайғамбаримиз ва ҳам саҳобалар, ҳар ойда уч кун-ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ҳамда ўн бешинчи кунлари ихтиёрий рўза тутар эрдилар. Бу кунларни «аййоми байзо», яъни «ойдин кунлар» дейилур.

ЭЪТИКОФ БАЁНИ

НИЯТ ва рўза бирлан жамоат масжидида умр кечирмаклик — эътикоф дейилур. Бул ҳар бир эркакка суннат эрур. Унинг энгози бир кун ва кўпроғи ўн кундир. Асосан, рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикоф амали суннатдир. Бундаги кишилар намоз ўқийдирлар, тасбеҳ айтадурлар, Қуръони Карим ва илми диния китобларидан ўқийдурлар, илм ўргатадурлар ва ўрганадурлар. Дуо қиладурлар ва илми дуниядан сўзламайдурлар.

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР КЕЧАСИ

ОЛЛОҲ Таоло бундай дейдир: «Биз ушбу Қуръонни Қадр Кечаси нозил қилдик. Лайлат ул-Қадр деганда, нени тушунғайсен ва Лайлат ул-Қадр ўзи недир? Лайлат ул-Қадр минг ойдан ҳам яхшироқдир. Ушал кеча парвардигорлари ҳукми ила фаришталар ва Жаброил тушғайдирлар, ул кеча тонг отгунча ибодат қилиш — М.М.)га ўтирдик. Жаноб Расулуллоҳ Рамазоннинг йигирманчи куни эрталаб чиқиб бизга ваъз қилдилар, сўнг: «Тушимда менга Лайлат ул-Қадр аниқ кўрсатилди, аммо унинг қайси кун бўлмоғи ёдимдан чиқиб қолди. Уни Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг тоқ кунларида кутингиз! Мен тушимда лой жойда сажда қилаётган эрмишман, энди кимки пайғамбар бирлан эътикофга ўтирган эрса, уйига қайтсин! — дедилар. Биз уйимизга йўл олдик, осмонда ҳеч қандай булут йўқ эрди. Иттифоқо, бир булут пайдо бўлиб, шундоқ ёмғир ёғдиким, ҳатто масжиднинг томи оқиб тушди, чунки масжиднинг томига хурмо шохлари ёпилган эрди. Сўнг бомдодга такбир айтилди. Шунда, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг лой жойда сажда қилаётганларини, ҳатто пешоналарига лой текканини кўрдим».

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДРНИ РАМАЗОННИНГ ОХИРГИ ЎН КУНЛИГИНИНГ ЕТТИСИДА КУТИНГИЗ!

ИБН УМАР разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар: «Набий саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қанча саҳобалари Лайлат ул-Қадрнинг Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттисида бўлмоғини тушларида кўришган эркан. Шунда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг тушларингиз Лайлат-ул-Қадр Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттисинда эрканлиғига мувофиқ келғайдир, деб ўйлармен. Кимки Лайлат ул-Қадрни кутмоқ эрса, Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттисинда кутсин!» дедилар.

Абу Саъид ривоят қиладурлар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигида эътикоф (узоқ муддат масжиддан чиқмай

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДРНИ РАМАЗОННИНГ ОХИРГИ ЎН КУНЛИГИНИНГ ТОҚ КУНЛАРИДА КУТМОҚ ЛОЗИМ

ОИША разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Лайлат ул-Қадрни Рамазоннинг ҳозирги ўн кунлигининг тоқ кунларида кутингиз, деб айтибдирлар», — дейдилар.

Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар: «Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойининг иккинчи ўн кунлигида эътикофга ўтириб, йигирманчи кечани ўтказгач, эътикофни тугатар эрдилар. Кейин йигирма биринчи кечани ўтказиб, яна эътикофга ўтирар эрдилар, бошқалар ҳам қайтиб бирга эътикоф қилишар эрди. Жаноб Расулуллоҳ Рамазон ойида одатдагидек эътикофга ўтирдилар. Йигирманчи кечани ўтказгач, ташқарига чиқдилар-да, одамларга ваъз айтдилар, сўнг уларга бир қанча юмушларни буюриб: «Бу ўн кунликда эътикоф қилдим, аммо менга охирги ўн кунликда ҳам эътикоф қилмоқ лозимлиги аён бўлди, кимки Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигида эътикоф қилган эрса, эътикофни давом эттирсин! Тушимда менга Лайлат ул-Қадр (кечаси) бўладиган кун аниқ тайинланди, бироқ ул ёдимдан чиқиб қолди. Энди, уни Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг тоқ кунларида кутингиз! Мен тушимда лой ерга сажда қилаётган эрканман», — дедилар. Шул кеча ёмғир ёғди, масжид томидан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқийдирган ерларига чакка ўтиб, лой бўлиб кетди. Кейин, Рамазоннинг йигирма биринчи кечаси Жаноб Расулуллоҳнинг бомдод ўқиб қайтаётганларида муборак изларига лой текканини кўрдим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Лайлат ул-Қадр охирги ўн кунликда — йигирма тўққизда, йигирма еттида бўлғайдир» — дедилар» — дейдилар.

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР ТАЙИН ҚИЛИНГАН КУННИНГ КИШИЛАР ЖАНЖАЛЛАШИБ ҚОЛГАНЛИГИ САБАБЛИ, ЁДДАН КЎТАРИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА

УБОДА ибн ас-Сомии разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Лайлат ул-Қадр қайси куни бўлғонини хабар қилмоқ учун чиқдилар. Йўлда икки мусулмоннинг жанжаллашаётганини кўриб, ўшал кун ёдларидан чиқиб қолди. Жаноб Расулуллоҳ саҳобаларга: «Мен сизларга Лайлат ул-Қадр бўладирган кунни хабар қилмоқчи бўлиб чиққан эрдим, бироқ йўлда фалончи бирлан пистончининг жанжаллашаётганини кўриб, ёдимдан кўтарилиб кетди. Қадр кечасини Рамазоннинг йигирма тўққиз ёки йигирма етти ёки йигирма бешинчи кунларида кутингиз!» — дедилар.

РАМАЗОННИНГ ОХИРГИ ЎН КУНЛИГИДА ИБОДАТ ҚИЛМОҚҚА ҚАТТИҚ КИРИШМОҚ ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДА

Оиша разияллоҳу анҳо: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охирги ўн кунлиги келса, аҳллари ила алоқа қилмоқдан узоқлашар эрдилар, кечалари ухламас эрдилар ва уйдагиларни ҳам ибодат қилмоққа уйғотар эрдилар», — дейдилар.

Ушбу муқаддас ой ва Тангри Таолонинг марҳаматлари ёғилгувчи Қадр кечасида ҳаммамизнинг оиламизга соғу-саломатлик, тинчлик, хотиржамлик тилаб, барча ниятларимизнинг ижобат бўлишини сўраб қоламиз.

Муроджон МИРЗАЕВ,
тарих фанлари номзоди,
вилоят ҳокимлиги етакчи мутахассиси.

Маданият янгиликлари

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида бир гуруҳ республикамиз иқтидорли рассомларининг Амир Темур таваллуди 660 йиллигига бағишланган кўргазмаси очилди. Унда буюк бобоколонимиз, шунингдек, темурийлар, шарқнинг буюк алломалари сиймоларини акс эттирувчи портретлар ва бошқа асарлар намойиш этилмоқда.

ҲАМКОРЛИК

Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет театри саҳнасида П.Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал» балети намойиш этилди. Ундаги асосий роллардан бирини япон сулоласи вакили, ёш раққоса Юкико Ивата ижро этди. Томошабинлар спектаклни қизғин кутиб олди.

Ўзбек-япон санъаткорлари ҳамкорлигида қўйилган спектаклда Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Укеру Магосаки қатнашди.

(ЎзА).

МОССОВЕТ ТЕАТРИ ТОШКЕНТ САҲНАСИДА

Ўтган ҳафтанинг охири тошкентлик театр санъати ихлосмандлари учун жуда қувончли бўлди. «Моссовет» номидаги Москва академик театри пойтахтнинг ёш томошабинлар театри саҳнасида Алфред де Мюссенинг «Севги билан ҳазиллашиб бўлмайди» песасини уч кун намойиш этди.

Москваликларнинг томошалари «Илҳом — XX» театр фестивали доирасида бўлиб ўтди. Спектаклни машҳур режиссёр Марк Вайл саҳналаштирган. У машҳур Москва театри билан ўн тўрт йилдан бери ижодий ҳамкорлик қилади. Унинг россияликлар билан биргаликда тайёрлаган спектакли Тошкентда биринчи марта намойиш этилди. Залнинг томошабинлар билан тўлгани, театр мухлисларининг гулдурос қарсаклари спектаклнинг муваффақиятидан дарак берди. Икки ҳафтадан сўнг «Шапиро энд смит» Америка рақс гуруҳи фестивал эстафетасини қабул қилиб олади.

А.ОТАЕВА,
ЎзА мухбири.

Ҳаваскор сабзавоткорларга маслаҳатлар

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ «СИР»ЛАРИ

Қишнинг сўнгги ойи ҳам бошланди. Кўклам бўй кўрсатиб қолди. Далаларда, боғроғларда ишлар авж олиб кетадиган кунлар узоқ эмас. Қишлоқ хўжалик экинларидан, шу жумладан, сабзавотдан ҳам мўл ҳосил олиш учун, табиийки, ҳозирдан тайёргарлик кўриш, қайси майдонга қачон, қайси экинни экишни билиш зарур, албатта. Асл ва миришкор деҳқонларга-ку, бу борада ўргатиш, маслаҳат беришнинг ҳожати йўқ. Лекин янгидан ер, томорқа олганлар, яхши ният, ихлос билан ерга барака уруғи қадашга чоғланиб турган ҳаваскор деҳқонлар, боғбонлар озмунчами. Шояд улар ўзларининг бу хайрли ишларида биз қуйида бераётган, ота-боболаримизнинг деҳқончилик соҳасидаги илм, тажрибаларидан ҳикоя қилувчи «Зироатнома» китоби асосида тайёрланган тавсия, маслаҳатлардан фойдалансалар.

ЕРИНГИЗНИНГ ҲОЛАТИНИ БИЛИБ ОЛИНГ

Албатта, ҳар бир деҳқон ҳам яхши ерга экин экиб, баракали ҳосил олгиси келади. Лекин ернинг яхши-ёмонлигини қандай билса бўлади? Ота-боболаримиз узоқ йиллар кузатув жараёнида шундай хулосага келишган: агар ёмғир ёққанида ер ёрилмаса бу ўша ернинг яхшилигидан далолатдир. Бундан ташқари, тоза ердан турли хил гиёҳлар гуркираб ўсиб чиқади. Бироқ, бу гуркираб ўсиб чиққан гиёҳлар тик турмаса, нимжон бўлса, бир-бирига суяниб, ўралиб кетса, билингки, бу ернинг ҳолати яхши эмас. Яна шуни ҳам унутмаслик керак: ранги қора ёки сариққа мойил, бир неча бармоқ чуқурликда нами бор бўлган, қўл билан сиқканингизда думалоқ-думалоқ бўлиб қоладиган, уқаланиб кетадиган тупроқ энг маҳсулдор тупроқ ҳисобланади. Аксинча, қисмлаганингизда бир-бирига ёпишмайдиган ёки ҳаддан ташқари ёпишиб қоладиган, қуригандан кейин ўз-ўзидан уқаланиб кетадиган, ёмғир ёққанида асфобларларга, масалан, кетмон ва белга ёпишиб қоладиган тупроқ экин учун соз ва мос тупроқ эмасдир. Бундай ерни ҳайдасангиз меҳнатингиз зое кетади, катта-катта кесаклар кўчади. Уларни майдалаш кўп ташвиш келтиради.

ЁМҒИР ЁҒАДИМИ, ЙЎҚМИ?

Баҳор бошланиб, кунлар сал илиши билан, табиийки, деҳқонлар, озми-кўпми очиқ ери бор ва бу ернинг қадрига етадиган одамлар «гимирлаб» қоладилар. Айниқса, томорқа эгалари қандай қилиб бўлмасин, эртароқ сабзавот, резавор етиштириш, хусусан, укроп, кашнич, петрушка, редискадан барвақтроқ ҳосил олиш тараддудини кўра бошлайдилар. Бу мақсадга эришишда ҳавонинг қандай келиши, ёғингарчиликнинг бўлиш-бўлмаслиги муҳим аҳамиятга моликдир. Айниқса, ошкўкларнинг уруғини нам ерга эксангиз, унинг орқасидан меёри билан майдалаб ёмғир ёғиб берса борми, кўп ўтмай бу уруғлар ёппасига гуркираб ўсиб чиқади. Баски, шундай экан, ёмғирнинг ёғиш-ёғмаслигини олдиндан билса бўладими? Ота-боболаримиз бу саволга ҳам аллақачон жавоб топиб қўйишган. Мана, эшитинг: агар ой учинчи ва тўртинчи кечада ёрқин ва мусаффо бўлса кундузи ҳаво очиқ бўлади. Экиш тараддудини қилаверинг! Агар қорага мойил бўлса ёғин кўп бўлишидан далолатдир.

Агар қуёш чиқаётган пайтда ҳаво соф бўлса ёки қуёш чиқишидан олдин осмонда булут парчалари кўринса, шунингдек, қуёш ботаётганда булут бўлмаса ёки ботганидан кейин ва ботишидан аввал қизғиш булут парчалари осмонда сузиб юрса, буларнинг ҳаммаси ёмғир ёғиши учун аломатдир.

Чумчуқ ва саъванинг дарахт устида сайраши ҳам ёмғир бўлишидан дарак беради.

Қозон ўчоқдан олинганда ёки овқат пишишидан аввал қозоннинг тагида учқунларнинг кўп бўлиши, товуқнинг ҳадеб ўзини ўзи титкилайвериши, жим бўлиб қолиши, думларини узун ва тўғри қилган ҳолда ғарб томонга қараб туриши, чумолилар ўз «хазина»ларини аввайлаб бошлаши ёмғир ёғишига ишорадир.

УРУҒ СЕПИШ ҲАМ САНЪАТ

Ерингизнинг ҳолатини, об-ҳавонинг тафтини озми-кўпми билиб олдингиз. Ана, энди жамғариб, асраб қўйган уруғингизни ўз вақтида, исроф қилмай сепиб олишга киришасиз.

Айтишларича, уруғ сепаётганда у яхши униб кўклаб, бақувват ниҳоллар ҳосил бўлсин, десангиз уруғни озроқ сепиш лозим бўлади. Лекин уруғ яхши танланиб, яхшилаб сепилса ва тупроқ остида яхшилаб кўмилишига, бекилишига эришилса ҳам баъзи уруғлар ўз жойига тушмаган, баъзиларидан эса қувват кетиб қолган бўлиши, иккинчи томондан эса зараркунанда ва қуш-қузғунлар ҳужуми билан йўқолиши, табиат инжиқликлари таъсири билан нобуд бўлиши мумкин. Бинобарин, бундай шароитни ҳам ҳисобга олиб ортиқроқ уруғ сепиш ҳам тақозо этилади.

Агар ер семиз бўлса, уруғ кўклаганидан кейин унинг атрофидан бачкилар чиқиб, ерни тўлдиради. Бундай ерларга бошқа ерларга нисбатан ортиқча уруғ сепиш шарт эмас.

Айниқса, барвақт экиладиган ерларда уруғни керагидан ортиқча сепмаслик лозим. Чунки бу ерлар етилиб, семириб турган бўлади. Қуёш иссиқлиги таъсирида уруғлар тезда униб кўклайди. Аммо ер ёмон бўлса, қумли бўлса, ёки кеч экишга мос бўлса уруғ кўп кетаверади.

Тайёрловчи
Носир РИХСИЕВ.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан Германиянинг машҳур «Интермед» фирмаси ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Институтнинг онкология ва ультратовуш диагностикаси кафедрасида диагностикага бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинар бу борадаги яна бир қадам бўлди. Унда ўзбек ва немис олимлари, ҳамда тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Германиянинг илғор технологияга асосланган ультратовуш аппаратларини республикамиз тиббий муассасаларида кенгроқ жорий этиш; шунингдек, мамлакатимизда ҳам ана шундай аппаратлар яратиш масалалари кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ХАЙДОВЧИ ПИЕДА ЙЎЛ

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

БОШҚАРМАМИЗ ходимлари томонидан 1995 йил давомида бажарилган ишлар пухта ўрганиб чиқилди. Ўтган даврда вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида бир қатор ташкилий-амалий тадбирлар амалга оширилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда ДАН бошқармасининг иш режаларига асосан 1995 йилда вилоят йўлларида ҳаракат иштирокчилари билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган махсус «Диққат, болалар», «Мотоцикл», «Диққат, темир йўл кесишмаси», «Трактор» тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, атроф-муҳитга автомобиль двигателларидан чиқаётган зарарли газлар миқдорини аниқлаш бўйича «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилди.

Милиция ходимлари транспортни маст ҳолда бошқарган, тезликни меёридан оширган қоидабузарларни ўз вақтида аниқлаб, мунтазам тегишли чора кўрдилар.

Вилоят ҳудудидаги йўллар ҳолатини назорат қилиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. ДАН бошқармаси муҳандислари томонидан вилоят ҳудудидаги автомобиль йўллари бошқармалари ва коммунал хўжаликларига қарашли 3 минг 799 километр фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 1 минг 675 километр масофадаги кўчалар, темир йўл кесишмаларининг йўл назорат кўриклари ўтказилди. Натижалар бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар юборилди. Йил давомида 170 та йўл белгилари ўрнатилди, 4 минг 578 та йўл белгилари алмаштирилди.

Давлат транспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз бўлиши учун вилоят ДАН бошқармаси ходимлари томонидан 2 минг 230 маротаба автохўжаликларда текширувлар ўтказилди.

Аниқланган камчиликлар бўйича 778 та мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Бир сўз билан айтганда, техник кўрикдан ўтказиш ишларининг якуни бўйича кўрсаткичларимиз республиканинг ўртача кўрсаткичларидан бир мунча юқоридир.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. 1995 йилда вилоят ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 1994 йилга нисбатан 7,4 фоизга, унда ҳалок бўлганлар сони 11,8 фоизга ва жароҳатланганлар сони 0,2 фоизга камайди. Шу билан бир қаторда болалар иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари 6,3 фоизга, ҳалок бўлганлар сони 10,5 фоизга ва жароҳатланганлар сони 0,9 фоизга камайди. Кўнгилсиз воқеалар сони гарчи камайган бўлсада, келгусида бу кўрсаткичларни янада камайтириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Давлат автомобиль назорати хизмати йўлларда ҳаракатни тартибга солиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бир вақтда милициянинг бошқа хизмат ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ходимларимиз «Тўсиқ», «Тозалаш», «Тун», «Арсенал» ва бошқа тадбирларда қатнашиб жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларни очиш ишларига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар иштирокида 19 та қотиллик, 25 та босқинчилик, 211 та шахсий ва 90 та давлат мулкини ўғирлаш, 5 та талончилик ва бошқа жами 713 та жиноятлар фош этилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Қора дори-95» тадбирида ҳам ДАН ходимлари фаол қатнашдилар. Олиб борилган ишлар натижасида 103 та фуқаро ушланиб, улардан 13,3 кг гиёҳванд моддалар ушлаб қолинди. 12 минг квадрат метрдан зиёд майдондаги таркибида гиёҳванд моддалари бўлган ёввойи ўсимликлар йўқ қилинди.

Йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг яхши ўтиши шахсий таркиб ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар натижасидир. Ходимлар билан якка тартибда ишлаш, уларнинг оилалари ва яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш ишимизда ижобий самара бермоқда.

Пахта йиғим-терим мавсумида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун 350 дан ортиқ ДАН ходимлари ва 76 та ДАН патрул автомашиналари жалб этилди, 750 дан ортиқ кузатиш ишлари амалга оширилди.

1995 йил якуни ва таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ДАН иш фаолиятини янада яхшилаш, қонунчиликка риоя қилишни мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур йилда энг аввало шахсий таркиб ўртасида тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, ходимларимизнинг жанговор маҳоратини ошириш доимий эътиборимизда бўлади.

Сафарга отланган кишига ой бориб омон қайтинг, деб бежиз айтилмайди. Йиллик давлат техник кўригини намунали ўтказиш, йўлларда содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, сафарга отланган кишиларнинг бехавф, бешикаст манзилларига етиб боришини таъминлаш олдимизда турган энг муҳим вазифа бўлиб қолади.

Саъдулла АЗАМАТОВ,
Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.

300 МИНГ РУБЛЬ УЧУН «ҲИРОТ»ГА

— ЎРТОҚ сержант, ҳамма ҳужжатларим жойида, қўйиб юборақолинг, — деди Бекобод шаҳар автобус-таксомотор саройига қарашли такси автомашинаси ҳайдовчиси Бахтиёр Тўрабоев Бўка тумани ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати бўлинмаси нозирига ҳужжатларини берар экан.

— Ёнингиздаги йўловчи ким? — деб сўради ДАН нозири, милиция сержанти Собиржон Жўраев автомашина ичидаги йўловчини зимдан кузатиб.

— Эй, укам, сиз жуда қизиқ одам экансиз-а. Мен қаердан биламан, бизга пулини тўласа бўлди, Ҳиротга деса ҳам олиб бориб қўямиз. Ишимиз шунақа-да, — деди ҳайдовчи бепарво.

Автомашина ичидаги кўзлари олазарак бўлиб ўтирган йўловчининг бежо ҳаракатлари Собиржон Жўраевнинг кўнглида шубҳа уйғотди. Ҳозиргина текширган ҳужжатларни қайта очиб кўз югуртирди, лекин йўловчини қандай текшириб кўришни ўйлади.

— Қани, мен билан юринг-чи, — деб нозир ҳайдовчини автомашина орқасига олиб ўтди.

— Ҳужжатларим тўғри бўлса, нима ҳаққингиз бор мени ушлаб туришга. Мени ҳар минутим пул, ука, — деб ҳарҳаша қила бошлади ҳайдовчи.

Нозир вазиятни юмшатиш ва йўловчида шубҳа уйғотмаслик учун:

— Ҳужжатларингиз жойида, ака. Лекин бизда қонун-қоида бор. Ҳозир тезда сизни рўйхатдан ўтказиб қўйиб юбораман, — деди йўловчига эшиттириб.

Алоқа воситаси орқали Собиржон Жўраев зудлик билан Бўка тумани ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига гумондор ҳақида хабар қилиб тезкор қидирув гуруҳини юборишларини сўради.

Зум ўтмай милиция капитани У. Якубов бошчилигидаги тезкор қидирув ходимлари етиб келдилар. Қилни қирқ ёрадиган, тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган ходимларнинг синчковлик билан олиб борган текширувлари зое кетмади. Улар автомашина йўловчиси 1957 йилда туғилган Н.Е.га тегишли бўлган юклар ичида 2 та қўл граната, 2 дона жанговар ракетница, 17 дона Макаров тўппончасининг ўқлари, 7 дона детонатор ва бир килограмм гиёҳванд моддалар борлигини аниқладилар. Далилий ашёлар ва ушланган шахс Бўка тумани ички ишлар бўлимига келтирилди. Тадбирни ўтказиш чоғида ҳеч қандай қурол ва куч ишлатилмади.

«Дарбоза» тадбири муваффақиятли ўтказилди. ДАН ходиминнинг хушёрлиги, тезкор қидирув ходимларининг чаққон ва аниқ ҳаракатлари кишини қувонтиради. Лекин Бекобод шаҳар автобус-таксомотор саройига қарашли такси ҳайдовчисининг ҳаракатлари эса кишини беихтиёр ўйлантиради. Наҳотки 300 минг рубль берган йўловчи ҳайдовчида ҳеч қандай шубҳа уйғотмаса? Такси ҳайдовчиларининг зийраклиги қаерда қолди? Ахир, ана шу совуқ қуроллар ишлатилганида қандай ҳол юз берар эди.

Бу азиз Ватан барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраш нафақат қуролли кучлар, ички ишлар ходимлари, балки барча соҳа кишиларининг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланади.

Юнусхон ШАЛАЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармаси ЙПХ бўлими бошлиғи муовини, милиция майори.

ЎЗИНГИЗНИ ҲАМ, ЎЗГАЛАРНИ ҲАМ ЎЙЛАНГ!

Тошкент вилояти ҳудудида ДАН ходимлари томонидан 1996 йилнинг 20 куни ичида 23572та қоидабузарлик аниқланди. Шундан 480 таси транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш туфайли содир этилган ходисадир.

АНГРЕН шаҳар ҳудудида, 12 январь куни соат 23.00да, «Юлдуз» ресторани директори Собир Абдунабиев маст ҳолда «Опель» русумли Т 99-59 ТШ белгили автомашинада Чиқризов кўчаси бўйлаб кетаётиб рулни бошқароолмай агдарилиб кетди. Натижада ҳайдовчи Собир Абдунабиев ва йўловчи Эшматов Бахтиёр тан жароҳати олишди.

Зангиота тумани ҳудудида эса 20 январь куни соат 3-ларда Назарбек жамоа хўжалиги ишчиси, Қурбонов Бахтиёр маст ҳолда ГАЗ-24 русумли Ф 00-86 ТШ белгили автомашинани бошқариб кетаётиб чап томонда тўхтаб турган Холхўжаев Тоҳирга қарашли автомашина билан тўқнашади. Натижада иккала ҳайдовчи ҳам тан жароҳати олишди.

Олмалиқ шаҳар ҳудудида 23 январь куни соат 16.ларда «Электромонтаж» корхонаси ҳайдовчиси Сичков Александр ўзига бириктирилган ГАЗ-52 русумли 73-36 ТШП белгили автомашинани «ширингина» ҳолда бошқариб келаётиб йўл четидаги дарахтга урилди.

9 январь куни Янгийўл тумани ҳудудида, Бўзсув хўжалиги ишчиси Сулаймонов Мустафа КАМАЗ-5320 русумли Ц 38-43 ТШ белгили автомашинасини «Тошкент-Термиз» йўлининг 824км.да бошқариб келаётиб тезликни оширди ва рулни бошқароолмай агдарилиб кетди.

11 январь куни Бўстонлиқ тумани ҳудудида ҳайдовчи Холибоев Аҳмаджон шахсий автомашинасини «Тошкент — Чимган» автойўлининг 78км.да бошқариб кетаётиб тезликни оширади ва рулни бошқаролмай қарама-қарши йўналишга чиқиб кетди. Натижада Ҳасанов Мидхат бошқариб келаётган автомашина билан тўқнашди.

20 январь куни Охангарон тумани ҳудудида Сотимов Анваржон «Тошкент-Ўш» йўлининг 93км.да машинани катта тезликда бошқариши натижасида йўл четига чиқиб кетиб, агдарилди.

Юқорида келтирилган мисоллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, айрим кимсалар (шундоқ деб аташ жоиздир), спиртли ичимлик ичгандан сўнг, ДАН ходимларига «чап» беришни кўзлаб, бемалол машина рулига ўтиравередилар. Бирингки, «чап» ҳам берди дейлик, лекин маст ҳолда рулни тўғри бошқара олишига ким кафолат бера олади?

Бундайлар ўз оиласига, ўзгалар ҳаётига чексиз ғам-андуҳ, ташвиш келтириши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта ўйлаб кўришлари зарур эмасми?

Абдукарим ҚЎШБОЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармаси ходими, милиция майори.

ТОШКЕНТ вилояти ИИБ ДАН бошқармаси махсус взвод сардори милиция майори Бахтиёр Ортиқхўжаев (чапда) взвод хизматчиларига навбатдаги тадбирни ўтказиш олдидан кўрсатмалар бермоқда.

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

ИЖОДКОР БОЛАЛАРГА ИШОНАМИЗ

БИЗНИНГ халқимиз азал-азалдан санъатга ўч, чинакам шинаванда халқ. Лекин шу халқ орасида санъатни ўзига хос идрок эта оладиган, яхши қўшиқларни бир зумда ўзлаштириб, қайта-қайта ижро этиб юрадиган, ниҳоятда самимий ва ростгўй яна бир «халқ» бор. Булар — болалар.

ТАБИИЙКИ, республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг ўтказилиши вилоятимиздаги барча ижодкор болаларнинг руҳини кўтариб юборди. Ҳозир барча мактаб ва лицейларда, ўрта-махсус ва олий билим масканларида, ҳатто болалар боғчаларида ушбу танловга ўзига хос тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси қошида танловни ўтказувчи махсус ташкилий қўмита ишлаб турибди. Аниқ тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалга ошириш учун жойларга юборилди. Айни пайтда, билимгоҳларда танловнинг дастлабки босқичлари муваффақиятли давом этмоқда. Чирчиқ шаҳрининг умумтаълим мактабларида, болалар боғчаларида «Жонажон ўлкамни куйлайман», «Қўшиқларда диёр мадҳи» деб номланган махсус синф соатлари, қизиқарли мас[illegible]лотлар ўтказилди. Шаҳардаги 2-мактаб ўқувчиси Шоҳруҳ Носиров ўзи шеър ёзиб, танловда иштирок этиш учун шу шеърга ўзи куй басталади. Бир неча марта «Иқтидорли болалар» кўригининг ғолиби, 6-мактаб ўқувчиси Барно Маҳкамова, 24-мактабнинг ижодкор ўқитувчиси Валентина Куликова ва бошқалар танловда иштирок этиш истагидалар. Шунингдек, Чиноз, Олмалиқ, Қибрай, Зангиота сингари кўплаб шаҳар ва туманлардаги мактабларда ҳам ижодкор ўқитувчи ва ўқувчилар ватанни мадҳ этувчи янги қўшиқлар яратмоқдалар.

Бу йил ўтадиган «Иқтидорли болалар» вилоят V слёти, умумхалқ Наврўз байрами, «Илҳом чашмалари», кўрик-танлови, «Ёш экологлар» слёти ва бир қатор бошқа тадбирлар ҳам «Ўзбекистон — ватаним маним» шиори остида ўтказилади. Биз вилоятимизда истеъдодли болалар кўплигига, улар республика миқёсидаги катта тадбирда муносиб иштирок этишига ишонамиз. Ҳамма гап ёшларимизга амалий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашда!

Мукаррам ЎРИНБОСАРОВА,
вилоят халқ таълими бошқармаси бўлим бошлиғи.

ТАНЛОВ БАЙРАМГА АЙЛАНАДИ

Шу кунларда вилоятимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида «Ўзбекистон — Ватаним маним» янги қўшиқлар кўрик-танловига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Бу борада Паркент туманида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида туман ҳокимининг муовини Мажлимбой Акромов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг ватан мадҳи мавзуидаги янги қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги қарорини туманимизнинг барча санъат ихлосмандлари катта хурсандчилик билан кутиб олдилар. Ҳозир ушбу танловда иштирок этиш ҳақида кўплаб ижрочилардан, шоир ва бастакорлардан таклифлар олаяпмиз. Уларни танловга тайёрлаш, зарур йўл-йўриқларни бериш ва ташкилий ишларни ўз вақтида амалга ошириш белгиланган режа асосида олиб борилмоқда.

Албатта, туман ҳокимлиги кўрик-танловни ўтказиш ҳақидаги қарорнинг жойларда изчил бажарилишини назорат қилиб турибди. Етти кишидан иборат ташкилий қўмита ва етти кишидан иборат қўшиқчилик кенгаши тасдиқланган бўлиб, айни пайтда улар танловни ўтказиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш чораларини кўрмоқдалар. Кўрик ғолибларини рағбатлантириш учун туман ҳокимлигининг пул мукофотлари таъсис этилган. Шунга кўра, 5 минг сўмлик битта биринчи ўрин, ҳар бири 3 минг сўмдан иккита иккинчи ўрин, ҳар бири икки минг сўмдан иккита учинчи ўрин, ҳар бири минг сўмдан учта рағбатлантирувчи ўрин, шунингдек, ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар, энг кекса ва энг ёш иштирокчи учун махсус эсдалик совғалари белгиланган бўлиб, улар ўз эгаларини кутмоқда.

Ташкилий қўмита ва қўшиқчилик кенгаши ўз йиғилишларини мунтазам ўтказиб бормоқда. Уларда жойларда олиб борилаётган тайёргарлик ишларининг аҳволи муҳокама қилинаётир. Бир неча бор танлов ҳомийлари билан ҳам йиғилиш ўтказилиб, айрим муаммоларни ҳал этиш йўллари келишиб олинди.

Паркент — ўзининг гўзал табиати, меҳнаткаш ва санъатга чанқоқ кишилари билан азалдан эътиборли маскан ҳисобланади. Туман меҳнаткашлари нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, балки мустақил давлатимизнинг маданий ва маърифий соҳадаги қутлуғ ишларини қўллаб-қувватлаш ва давом эттиришга ўз ҳиссасини қўшишларига шак-шубҳа йўқ. Барча орзиқиб кутаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови ҳам Паркентда ўзига хос байрам сифатида ўтади ҳамда янги номлар, янги қўшиқлар пайдо бўлади. Зеро, ҳамма жойда таъкидланаётганидек, ватанни мадҳ этмоқ — ватанни улуғламоқ ва эъзозламоқдек улуғ шарафдир.

Шифокор минбари

ҚИЗАМИҚДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

ҚИЗАМИҚ бола организмини, айниқса, ёш бола организмини заифлаштириб, бошқа касалликларга йўл очади ва у шу пайтгача зимдан кечаётган сурункали касалликларни зўрайтириб юборади. Қизамиқ кўпинча зотилжам билан кечади.

Қизамиқ тумов, йўтал билан бошланади, боланинг ҳарорати ошади, кўзи қизаради ва ёруғликка қарай олмайди. Орадан 4-5 кун ўтгач тошма тошади. Дастлаб оғиз қатлами шиллиғига, сўнгра қулоғи орқасига тошади ва юзига, кейинроқ бутун баданига, қўл ва оёққа тошади. Касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши биланоқ болани ўринга ётқизиб, лимонли чой ичириш ва тезда врач чақириш лозим.

Бу касаллик билан оғриган бемор яхши парваришга муҳтож бўлади, унга енгил ҳазм бўладиган овқатлар бериш, тез-тез суюқлик ичириб туриш, тоза ҳавода кўпроқ олиб юриш керак. Деразага парда тутманг, бола кўзига ёруғ шуъла тушмаслиги учун уни дераза ёки лампочкага орқа қилиб ётқизиб қўйинг. Хонани тез-тез шамоллатиб туринг. Бу даврда бемор баданининг озодалигига катта эътибор беринг, баданни ҳар куни илиқ сув билан артиб туриш ёки чўмилтириш керак.

Овқат еб бўлгач бола оғзини сув ёки борат кислотанинг кучсиз эритмаси (бир стакан сувга бир чой қошиқ) билан чайиш керак. Оғзини чая олмайдиган ёш болаларга сув ёки чой ичирса бўлади. Кўзни ҳар куни бир ёки икки марта врач кўрсатмаси бўйича борат кислота эритмаси билан артиб туриш лозим (ҳар бир кўзни алоҳида пахта билан пешонадан бурунга томон артилади). Врач ёки фельдшер рухсат бермагунча бола ўринда ётиши керак.

Қизамиққа чалинган бола билан бирга бўлган соғлом болани касалланишдан асраш учун узоғи билан 5-6 кун ичида эмлатилади. Бу унда касаллик юқишининг олдини олади ёки касаллик юққан тақдирда ҳам енгил кечади.

Ш. БЕКМИРЗАЕВ,
Тошкент вилояти саломатлик марказининг шифокори.

Суд залидан

ҚОТИЛГА ШАФҚАТ ҚИЛИНМАДИ

Қуйичирчиқ туманидаги Солдатский шаҳрининг Қоржоубоев кўчасида Нурмуҳаммад Умурзоқов номи тилга олинса кимдир сесканиб кетади, кимдир қаҳр-ғазабдан муштини тугиб, уни лаънатлайди.

— Номард, олти нафар фарзандлари олдида жаллодлик қилгани қандай қўлинг борди-я, — дейишади кексалар. — Илоё у дунёда дўзах азобига учрагин!

Бу заҳар сўзлар ўтган йили 15 декабрь куни Тошкент вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг Солдатский шаҳрида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида иштирок этганларнинг ҳам тилида бот-бот такрорланди.

Айбланувчи Нурмуҳаммад Умурзоқов изтиробдан бош кўтариб одамлар юзига қарай олмасди. Ҳа, у ароқ ичиб дахшатли жиноятга қўл уриб қўйганди.

Ўшанда 1995 йил август ойининг олтинчи куни эди. Хотини Қорасоч Умурзоқованинг отасиникига бориб келаман деб кетганига икки кун бўлганди. Бундан Нурмуҳаммад ғазабланарди. Ахир, у тани-жони соғ, ҳеч қаерда ишламайди. Уйда умр йўлдоши Қорасоч билан доимий равишда жанжаллашганижанжаллашган. Ҳар куни у ёки бу улфати билан ичади. Бугун ҳам кайфда. Ана, хотини Қорасоч ҳам уч нафар ёш боласини етаклаб отасиникидан келиб қолди. Уни кўргач Нурмуҳаммаднинг заҳри тилига кўчди:

— Ҳа, нега бунча гумдон бўлиб кетдинг?

— Автобус бўлмай қолди, дадаси, — деди қўрқа-писа Қорасоч.

Бу жавоб Нурмуҳаммадни тутоқтириб юборди.

— Мана, сенга автобус бўлмади, мана, мана!

У Қорасочни ҳовлидаги қум устига ётқизиб дуч келган жойига тепаверди. Ҳовли фарзандлари Дилмурод, Ҳасан, Ҳусан, Барно, Доно, Умидаларнинг қий-чувига тўлиб кетди. Қорасоч эса бир зумда қонга беланди.

Шовқин-сурондан воқиф бўлган қўни-қўшнилар келишганида Қорасоч тўққиз ойлик ҳомиласи билан ҳаётдан мангуга кўз юмган эди. Олти нафар фарзандлари бошида чирқираб туришарди...

Суд мажлиси қатъий давом этди. Қотил Нурмуҳаммад Умурзоқов бутун айбини бўйнига олди. Гувоҳлардан Абдулла Исҳоқов, Гулжаҳон Ермекбоева, Гулсум Пўлатова, Сайфиддин Исмоилов ва бошқа қўни-қўшнилар марҳум Қорасоч Умурзоқовани яхши аёл, болажон она, рўзғорига жон куйдирувчи фидойи хотин эди, деб кўрсатмалар беришди. Айни пайтда улар Нурмуҳаммаднинг доимо оилада жанжал кўтариб юрганини, Қорасочни илгари ҳам уриб тан жароҳати етказганини, маҳалла қўмитаси, қўни-қўшнилар бир неча бор уларнинг жанжалларига аралашганини ҳам рўй-рост айтишди.

— Бечора аёл болалар тақдирини ўйлаб нобакор эр заҳар-заққумларига чидаб юрарди, дейишди улар.

Судлов коллегияси судланувчи Н. Умурзоқовни хотини Қорасочни ёш фарзандлари олдида шавқатсизларча уриб, унинг ҳомиладор эканлигини билса-да, ваҳшийларча ўлдирганлигини Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «Б» ва «Ж» бандидаги жиноятларни содир этган деб ҳисоблади ва уни ўлим жазосига ҳукм қилди. Энг изтироблиси олти нафар гўдак етим қолди.

Мана, ичкилик, жиззакилик, ишёқмасликнинг оқибати. Биз истардикки, ҳар бир инсон бу разил одатлардан олисроқ юрса. Оилам, бола-чақам, халқим, Ватаним деб жон куйдирса. Фарзандларимиз, жамиятимиз, умуман дунё учун муқаддас зот бўлган оналаримизга қўл кўтармасалар. Маҳалла, қўни-қўшнилар Нурмуҳаммад сингари номард кимсалар жиловини ўз вақтида қаттиқ тортсалар. Лоқайдлик қилмасалар...

Э. АҲМЕДОВ,
Қуйичирчиқ туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.
С. МУСТАФОЕВ,
туман «Эркин сўз» газетаси муҳаррири.

ШАХМАТ ВА ТАБОБАТ

Мамажон Муҳитдинов номини нафақат Ўзбекистонда балки мамлакатимиз ташқарисидаги шаҳмат оламига қизиққан барча кишилар яхши билишади. Шаҳмат ва шахмат ўйинига доир 40 га яқин китобини ўқимаган ишқибозлар топилмаса керак. Муаллифнинг «Шахмат ва табобат» номли ушбу мақоласида касалликка чалиниб сўнг шаҳмат ўйини орқали соғайиб кетган ва ақл бовар қилмас ютуқларга эришган шаҳмат усталарининг қизиқарли ҳаёти билан танишасиз. Шу билан биргаликда мутолаа жараёнида бу ўйинга иштиёқингиз янада ортади. Сабаби, ҳаёт йўлларингизда учрайдиган жумбоқларга ечим, руҳий тушкунлик ҳолатларидан чиқиш имкониятларини топгандек бўласиз.

ШАХМАТ руҳий фаолиятни даволаш учун нодир бир воситадир. Бу айниқса, ҳулқи ёмонроқ ўсмирлар учун фойдалидир. Бундай ўсмирлар кўпгина соҳаларда тенгдошларидан ортда қоладилар. Шахмат ўйини ҳам таълим олишдир. Масалан, ўқувчи предметни жуда яхши билади. Бироқ доскага таклиф қилишлари билан фикрлари сийқалашиб тили нўноқ бўлиб қолади. Биз кўриб турган ҳол шароитни тез ва тўғри фикрлай олмасликка бир мисолдир. Ўсмир аста-секин жамоадан четлашиб, бошқалардан ажралиб қолган болалар гурухига келиб қўшилади. Бундай ўсмирни ўз вақтида шахматга жалб қилиш бутун бир муаммолар мажмуасини ҳал қилишга имкон беради. Биринчидан, шахмат кураши жараёнида кўп марталаб табиий ўйин шаклида ўсмир ҳаётда жуда қийналиб енга оладиган ва улардан қочадиган шароитларга дуч келади. Бу йўқотилган қобилиятни тиклашга ёрдам беради. Иккинчидан, шахмат билан шуғулланиш заифлашган функцияларни ижобий хис-туйғулар билан мустаҳкамлаб, аввалги салбий жиҳатлардан холос этади. Учинчидан, биринчи вазифани ҳал этарканмиз, айни вақтда ўсмирни шахмат ўйинига қизиқтириб қўямизки, бу аввалги салбий мойилликларни сиқиб чиқариши мумкин. Шундай қилиб шахснинг руҳий фазилатларини анча яхшилаб, уни уйғунлаштира оламиз.

Шахмат ички иқлимозликнинг олдини олишда яхши воситалардан биридир. Шахмат бу иллатга йўлиққан кишига ёрдам қўлини чўзиши мумкин. Ҳозирда ички иқлимозликка йўлиққан касални шифохонада даволаш муддати тўрт ойгача давом этади. Шу вақт орасида беморда шахматга меҳр уйғота олсак бу билан касални буткул соғайиб кетишига асос ва шароит яратган бўламиз.

Маълумки ички иқлим (руҳий фаолиятни йўналтирувчи) мия пўстлоғининг тузилмаларига қаттиқ таъсир қилади. Организмдаги етишмовчи нарса ўрнини қопловчи катта имкониятлар ишга тушмай, шахснинг асабийлашуви оша боради. Одатда бундай кишилар даволанишга мажбур бўлиб қоладилар. Шифокорнинг асосий вазифаси шахснинг йўқотган руҳий функцияларини тиклашдан иборатдир. Бунинг учун етишмайдиган нарсанинг ўрнини қопловчи механизиларни ишга солиш ва уларни тоблаш зарур. Бу ички иқлимозликка ёрдамчи бўла оладиган шахматнинг манфаатлари солиштириб бўлмас даражада юқори бўлган гурухга ўтиши билан белгиланиши мумкин. Яъни майхона шахматхонага алмашади. Энг асосийси инсонда қизиқиш уйғотиш, қолганини буюк ўйин — шахматнинг ўзи бажаради.

Ўқинг: бу қизиқ

— Биз табобат аҳли, — дейди Москвадаги врачлар малакасини ошириш институти, наркология ва психатрия бўлимининг мудири профессор В. С. Воробьёв, — шахматни ҳамма жойда ва кенг кўламда ёйиш тарафдоримиз.

Энди тарих сахифаларига мурожаат этайлик.

Йигирманчи йилларда Ўзбекистонда нашр этилган вақтли матбуотни кўздан кечира туриб, ногоҳ ажиб бир маълумотга дуч келиб қолдик. «Аланга» журналининг 1928 йилда чиққан 3-4 қўшма сонида «Шаркда шахмат» сарлавҳали мақола босилган экан. Унинг муаллифи машҳур ёзувчи ва адабиётшунос ҳамда тарихнавис профессор Абдурауф Фитрат бўлган. Бу мақоладан энг керакли нарса:

«... Абдулфатх Аҳмад шатранж билан машҳур бўлган мана шу кишиларни кўрсатади:

1 — Абубакир Муҳаммад ибн Яҳё ас-Сулий... 2 — Хожа Ҳаким Абу Райхон, 3 — Абу Саҳл Муҳаммад ибн Али ал Бадойи, 4 — Адлий... Абулфатх Аҳмаднинг сўзига кўра, бу кишилар шатранжда устод бўлиб бу тўғрида китоблар ёзганлар...»

Мақола сўнгида бундай изоҳлар берилган: «Муаллифнинг макташларидан машҳур Абу Райхонни бўлса керак...»

Ҳа, ўша Абу Райхоний Беруний бўлиши керак! Алломанинг бу китоби ҳам зора топилиб қолса...

Профессор Фитрат тилга олган Абулфатх Аҳмад Сижизийнинг «шатранж рисоласи»даги қуйидаги парча ҳам ниҳоятда муҳим, кишини ҳайратга, таажжубга солади.

«Хожа Ҳаким исломда тенги йўқ олим эди ва унинг шатранж бобида тузганлари ва бошқаларникидан келтирган мисоллари унгача мавжуд бўлган тузуклар орасида энг яхшиси ва ажойибидир.

Абу Райхон айтадурким, шатранж тилсимот жумласидандир ва кўп кишиларга у роҳат бахш этиб ғамлардан ҳолос қилган ҳамда улкан ранж (дард)лардан фориғ бўлишган. Илон чаққан, заҳарланган кишилар, туғолмай азобда қолган ҳомиладор аёллар шатранж туфайли нажот топганлар, бу ҳақда Муҳаммад Закарёйи ар-Розий ҳам гапириб ўтган...»

Бу парчанинг биринчи қисмидан маълум бўлиб турибдики, шатранж бобидаги Беруний тузуклари ҳозирда ўрта аср шахмат рисолаларининг аълоси деб тан олинувчи Абулфатх китобига деярли асос бўлган.

Шатранжнинг дардлардан фориғ этиши ҳақидаги жумлага биринчи бор дуч келган киши ишонқирамай бир кулиб қўйиши турган гап. Аммо уни Берунийдек кишидан кўчирилганлиги инобатга олинса, унга ишонмоқ даркор. Бунинг устига Абулфатх: бу ҳақда машҳур тиб олими ар-Розий ҳам шундай деганлигини айтади.

Қўлимизда машҳур америкалик шахмат устаси Эдуард Ласкернинг 1949 йил Нью-Йоркда нашр этилган китоби турибди. Унинг бир жойида қадимги ҳакимлар шахмат кўп дардларга, чунончи юрак оғриғи... ич кетаргa (?!) даво деганликлари қайд этилади. Бу фикрнинг бир қадар тасдиғи сифатида муаллиф шундай воқеани ҳикоя қилади.

«Кунларнинг бирида яқин танишим, касалхона бош врачи менга кўнғироқ қилиб ҳузурига таклиф этиб қолди, — дейди Эдуард Ласкер. — Бордим, танишим юраги қаттиқ безовта қилаётган бир бемор билан шахмат ўйнашимни илтимос қилди. Кўндим. Бемор дурустгина шахматчи экан, икки-уч бор суриштдик. Шунда беморнинг аҳволи кундан-кунга яхшилана борди... Мен бошқа шаҳарга кўчиб кетиб қолдим. Кейин билсам, ўша бемор мен кетгач, кўп ўтмай вафот этибди, у билан шахмат сурадиган киши топилмагандир, балки».

Шу ўринда ушбу сатрлар муаллифи бошидан кечган бир воқеани ҳам сўзлашга эҳтиёж сезилгандай кўринади. Бундан 8-9 йил муқаддам Наманган шаҳрида ўтказилган анъанавий гул байрами программасига шахмат кечаси ҳам киритилган экан. Мен 25 тахтада бир йўла ўйин сеанси ўтказишим олдиндан эълон қилиб қўйилганди. Ўша кун арафасида ичкетарга йўликдим. Таваккал қилиб истирохат боғига йўл олдим. Шахмат ишқибозлари доналарни шай қилган ҳолда мени кутиб туришарди. Сеансни бошладим. Бир соат ўтди, 2 соат ўтди, оғриқ безовта қилмас, ҳатто ҳаёлимга ҳам келмасди. Сеанс 6 соатга чўзилди. Бирор марта ҳам ўйинхонани тарк этмадим. Ниҳоят сеанс тугади. Машинага ўтириб аранг уйимга етиб олдим. Касал яна ҳуруж қила бошлаган эди.

Бу ерда гап асосан шахматнинг инсон руҳиятига кўрсатадиган кучли таъсири тўғрисидадир.

(Давоми бор).

Ўйра ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

*СПОРТ**СПОРТ*

ЯНА ҒОЛИБЛАР САФИДА

ТОКИОДА дзюдо бўйича жаҳоннинг энг кучли спортчилари иштирокида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда Ўзбекистондан икки вакил — чирчиқлик Андрей Штурбабин (71 килограммгача вазнлилар баҳсида) ва тошкентлик Журъат Пармонов (60 килограммгача вазнлилар баҳсида) иштирок этдилар.

Андрей Штурбабин Макуҳарида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Атлантада ўтадиган олимпиада мусобақаларига йўлланмани қўлга киритган эди. Бу сафар ҳам вилоятимиз вакили А. Штурбабин жаҳонда энг кучли дзюдочилардан бири эканлигини исботлади. У ўз вазнида иккинчи ўринни олди.

Андрей Штурбабин чет эллдан Москвага келибоқ жаҳоннинг 30 мамлакатидан йиғилган яна бир йирик турнирда иштирок этиб, бу сафар ҳам кучли учликдан жой олди. Бу турнирда Тошкент вилоятининг яна бир вакили, чирчиқлик Дмитрий Соловьев 95 килограммдан юқори бўлган вазнлилар баҳсида қатнашиб, кучли олтиликка кирди, 86 килограммгача вазнлилар баҳсида Армен Багдасаров бешинчи, 60 килограммгача вазнлилар баҳсида Алишер Муҳторов учинчи бўлди.

СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИ ҚИЗИМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН спартакиадаси программасига киритилган самбочиларнинг баҳслари Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. Унда юздан зиёд спортчи иштирок этди. Қатнашчиларнинг деярли ярми халқаро даражадаги спорт устаси ва спорт усталари эди.

Вазн тоифасида чемпионлик шохсупасига кўтарилганлар орасида вилоятимиздан икки вакил бор. Булар бекободлик Рудольф Ким (52 килограммгача) ва армиячи Зокир Шарипов (68 килограммгача)лардир. Умумкоманда ҳисобида вилоятимиз вакиллари 80 очко тўплаб, тўртинчи ўринни олишди. Дастлабки учта мукофотли ўринлар эса Самарқанд, Хоразм ва Бухоро жамоаларига насиб этди.

МАВСУМОЛДИ СИНОВ ЎЙИНЛАРИ

Янги футбол мавсумига спорт залларида тараддуд кўраётган жамоалар имкон бўлди дегунча майдонга чиқиб, очиқ ҳавода машқ қилишмоқда. Келишишиб ўртоқлик учрашувларини ҳам ўтказишмоқда. Бошқа жамоалар қатори вилоятимиз вакили — «Дўстлик» (бундан буён «Политотдел» жамоаси ана шундай деб аталади) футболчилари ҳам синов учрашувларини ўтказишаяпти. «Дўстлик» «Пахтакор» билан бўлган ўйинни натижасиз дуранг қилиб, МҲСК жамоасига 0:3 ҳисобида ютқазди. Шунингдек яна бир қатор мавсумолди синов учрашувлари бўлиб ўтди. Буларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Истиқлол» — «Янгиер» — 2:1, МҲСК — «Истиқлол» — 6:0, ТТПУ — МҲСК — 3:2, «Чилонзор» — «Трактор» — 3:0, «Навбаҳор» — «Чилонзор» — 2:1.

АСКАРЛАР ХУЗУРИГА ТАШРИФ

Бўкалик 45 нафар меҳнат ва уруш фахрийси Термиз шаҳридаги Н-қисмда хизмат қилаётган аскарлар билан учрашдилар. Учрашувда сўзга чиққан Жўра Мусаев, Аҳрол Бобоев, Одил Порсиев, Жавҳар Жапаровлар уруш хотираларидан сўзлаб бердилар. Ватан ҳимоячиларига йигитлик бурчларини шараф билан адо этиш истагини билдирдилар. Суратда: Фахрийлар аскарлар билан суҳбатлашмоқдалар.

Жўра ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

ФАҚАТ 20 КУН!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

1996 йил 15 февралдан бошлаб

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА!

акробатика, гимнастика, эквилибристика, баланс ҳамда жонглёрлик соҳасида жаҳонда улкан ютуқларни қўлга киритган

ХИТОЙ ЦИРКИ ЮЛДУЗЛАРИ ЕТАКЧИ

САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

2 бўлимдан иборат йирик, хилма-хил дастурдаги цирк томошалари.

Томошалар иш кунлари 10, 14.00 ва 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.

Касса соат 18.00 гача очиқ.

Маълумот учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.

ЧИПТАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА СОТИБ ОЛИНГ!

Юнусобод туманидаги «Файз» кооперативи ТУГАТИЛАДИ

Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-065. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.45. 1 2 3 4 5 6